

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12278855>

**Жўраев Сойибжон Рустамжонович**

*Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси таянч докторанти,  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада усулул фиқҳ илми, унинг таърифи ҳамда бу фанни вужудга келиш ва шаклланиш тарихи ҳамда босқичлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақола ислом шариъатида мавжуд бўлган тўрт мазҳаб яъни, Ҳанафий, Шофеъий, Моликий ва Ҳанбалийларнинг усулул фиқҳ фанини ўрганишда қандай йўл тутгани, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ва ҳар бир мазҳабнинг машҳур асарларни ҳам баён қилади. Аҳамиятлиси, бу фанга оид асарлар, уларни ёзилишидаги тарихий тадрижлар, ёндошувлар ва уларнинг ўзига хос ҳамда фарқли жиҳатларини очиб беришга ҳам катта эътибор қаратилган. Маълумотлар барча йўналишларга оид китоблар номи, уларнинг муаллифлари яшаган даврларни қайд қилиш билан бойитилган. Қўшимча қилиш мумкинки, ушбу илмий ишда, фиқҳ фанига ёндош бўлган усулул фиқҳ фанини ўрганишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар, асосий қўлланма ва манбалар ҳам зикр қилинган.

**Калит сўзлар.** *усулул фиқҳ, ижтиҳод, ал-Бурҳон, ал-Мустасфа, ал-Муътаמיד, мутакаллимлар йўналиши, ҳанафийлар йўналиши, муътазила.*

## КИРИШ

Сўнги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳада ҳам турли илмий тадқиқотлар олиб боримоқда. Соф ислом тушунчаларини халқимизга етказиш, бу борада энг халқчил ва фойдали йўналишларни танлаш ҳозирги кундаги олимлар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Токи, инсонлар ўз динлари ҳақидаги маълумотларини қулай тарзда ўргансинлар ва амал қилсинлар. Шу маънода айтиш мумкинки, Усулул фиқҳ илми ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва уни омма эътиборига тақдим қилиш муҳим саналади. Хусусан, фаннинг юзага келиш тарихи, ривожланиши ва унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини ўрганиш муҳимдир.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Олимлар Усулул фиқҳ илмини тавҳид илмидан кейинги ўринга қўйдилар. Чунки усулул фиқҳ шариатнинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсга таянган ҳолда шаръий ҳукмлар ишлаб чиқиш қоидаларини ўрганувчи фандир.

“Усулул фиқҳ” иккита сўздан иборат бирикма бўлиб, тарқоқ ҳолда “усул” – асос, далил; “фиқҳ” эса – аниқ тушуниш маъноларини англатади.

Олимлар “Усул ул фикҳ”даги “усул” сўзини турлича таърифлаганлар. Айримлар уни “далил” деб излҳлаган. Хусусан Абул Баракот Насафий (1232-1310й.) бу илмни шундай таърифлаган: “Усул ул фикҳ далиллар ва уларни ҳукмларга батафсил эмас, мужмал тарзда ишора қилишидир”<sup>86</sup>.

Бошқа бир жамоа эса “усул” сўзини “қоидалар” деб айтган. Жумладан Камолиддин Ибн Хумом(1386-1456) “Таҳрир”да қуйидагича таъриф берган: “у фикҳий ҳукмларни ижтиҳод қилишни ўргатувчи қоидалар борасидаги фандир”<sup>87</sup>.

Усул ул фикҳ ислом ҳуқуқшунослиги яъни, фикҳ фани вужудга келган даврда ҳам мавжуд бўлган. Тўғри фикҳ илми бошқа фанлардан аввалроқ кодексификация қилинган, масалалари такомиллаштирилган, қоидалари ўрнатилган ва боблари эса тартибга солинган эди. Аммо бу фикҳ фани усул ул фикҳ фанидан аввал пайдо бўлган дегани эмас. Ёки фақиҳлар шаръий ҳукмларни чиқаришда муайян қоидаларга асосланмаган эканлигини ҳам ифодаламайди. Аслида бу илмнинг асослари мужтаҳидлар томонидан ташкил этилиб, ўзлари бу қоидаларга амал қилганлар. Фақат бу қоидалар алоҳида бирор манбада яхлит шаклда баён қилинмаган эди. Бунга Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг қуйидаги амаллари яққол мисол бўла олади. У киши эри вафот этган ҳомиладор аёлнинг иддаси фарзандини тўғиши билан тугашини айтганлар ва бу гапига далил сифатида “Талоқ” сурасининг-оятини келтирганлар:

وَأُولَاتُ الْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مِنْ أَمْرِهِ يُسْرًا

**Ҳомиладорларнинг иддаси ҳомидаларини қўймоқликларидир. Ким Аллоҳга тақво қилса, У зот унинг ишида осонлик қилиб берадир. (Талоқ сураси, 4-оят)**

Абдуллоҳ ибн Масъуд ўз фикрига бу оят “Бақара” сурасидаги эри вафот этган аёлларнинг иддасини баён қилган қуйидаги оятдан кейин нозил бўлганлигини далил сифатида келтирган:

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا

**Сизлардан вафот этиб жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзларича тўрт ойу ўн кун кутарлар (Бақара сураси, 234-оят)**

Бу эса усул ул фикҳда мавжуд бўлган “кейинги келган насс аввалги нассни ҳукмини насх қилади” қоидасига асосланган эди<sup>88</sup>.

Дарҳақиқат барча илмлар даставвал шаклланади, кейин эса китоб сифатида тасниф қилиниб жамиятга тақдим қилинган. Усул ул фикҳ илми ҳам аслида мужтаҳидларнинг илмий фаолиятларида малака сифатида мавжуд бўлсада бир қанча вақтгача алоҳида фан сифатида намоён бўлмаган.

Демак саҳобийлар, ҳатто тобеъинлар даврида ҳам усул ул фикҳ илми фан сифатида таълиф қилинмади. Фақатгина тобеъинлардан сўнг ислом давлати ҳудудлари кенгая бошлади. Аввал мавжуд бўлмаган турли ҳодислар юзага чиқа

<sup>86</sup>“Кашфул асрор”. Абул Баракот Насафий. Байрут. Дарул кутуб илмия, 2015 й. – Ж.1.– Б. 9

<sup>87</sup> “Ат-таҳрир фий усул ул фикҳ”.Камолиддин Ибн Хумом. Байрут. Дарул кутуб илмия, 2015 й. –Б. 5

<sup>88</sup> “Тариху усул ул фикҳ”. Алий Жумъа. Қоҳира. Дарул миқтом, 2015 й. – Б. 20

бошлади. Ислом динига араб миллатига мансуб бўлмаган бошқа халқлар ҳам кира бошлади. Мужтаҳидлар ўртасида турли баҳс-мунозаралар юзага келди. Шунинг учун ҳам мутахассислар шаръий ҳукмларни чиқаришдаги маълум қоида ва талабларни тартиблаш кераклигига эҳтиёж сездилар. Токи барча мужтаҳидлар шу қоидаларга асосланиб тўғри қарор қабул қилсинлар.

Албатта бу қоидалар араб тили луғат қоидалари, мақосиди шариха ва саҳобийларнинг ҳукм олишдаги услубларига асосланган эди. Шу тарзда усул фихҳ фан тарзида шаклланиб китоблар ёзила бошланган.<sup>89</sup>

Бу фанга оид биринчи асарни ким ёзганлиги борасида ҳам турли фикрлар билдирилган. Жумладан “ал-Важийз фий усул фихҳ” китобида қуйидаги фикрлар мавжуд: “ айримлар усул фихҳ илмида биринчи бўлиб китоб ёзган ва қоидаларни тартиблаган киши Абу Ҳанифанинг икки шогирди Абу Юсуф ва имом Муҳаммаддир дейишади. Айримлар эса Абу Юсуфнинг ўзи ёзган, дейишган. Яна бир тоифа инсонлар “бу борадаги биринчи асарни Абу Ҳанифанинг ўзи ёзган ва бу китобнинг номи “Китабур рай” бўлган эканлигини айтишган”.<sup>90</sup>

Ибн Надим “Фихрист” номли китобида “Усул фихҳ”га оид бўлган барча қоидаларни биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ алоҳида рисолада жамлаган. Лекин афсуски, бу рисола бизларгача етиб келмаган”деб айтган.

Бошқа манбаларда эса бу фанга оид китобни имом Шомеъий ёзганлиги такидланган. Дарҳақиқат кўплаб олимларнинг фикрича бу фанга оид биринчи мустақил китобни Муҳаммад Идрис Шофеъий ёзган.

Имом Шофеъийнинг бу фанга оид китоби “ар-Рисола” бўлиб, унда Қуръон карим ва ундаги ҳукмларнинг баёни, суннат Қуръонни баён қилувчи эканлиги, ижмо, носих ва мансук, амр ва тақиқлар ҳамда оход хабарларни ҳужжат қилиш борасидаги қоидаларни баён қилган.

Мазкур “Рисола” китоби ёзилишига Абдурраҳмон ибн Маҳдийдан келган хат туртки бўлган. Хатда ёзилишича, ўша пайтда баъзи одамларнинг Қуръон ва ҳадисларни нотўғри шарҳлаган ҳолда ҳукм чиқаришлари кўп содир бўлиб турган. Имом Шофеъидан ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича бирор кўрсатма беришини илтимос қилинади. Натижада, имом Шофеъий ушбу хатга жавобан бир мактуб ёзади. Ушбу мактубда манбалар, Қуръон ва ҳадисда ишлатилган сўзларнинг омм ва хос, луғавий қоидалар ва насх, Пайғамбаримизнинг хаттиҳаракатлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти, ижмоъ, хабарлар ва уларнинг турлари ҳамда далил сифатидаги ўрни, қиёс, истехсон, ижтиҳод ва бошқа масалаларни атрофлича ёритган. Кейинчалик ушбу мактуб усул фихҳ бўйича ёзилган илк асар бўлиб, ҳозирги кунда “Рисола” (мактуб) номи билан машҳур.<sup>91</sup>

<sup>89</sup> “Тарийху усул фихҳ”. Алий Жумъа. Қоҳира. Дарул миқтом, 2015 й. – Б. 31

<sup>90</sup> “Ал-важийз фий усул фихҳ”. Абудкарим Зайдон. Байрут. Муассатур рисола, 2006 й. 1ж. – Б. 16

<sup>91</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усул фихҳ. Тошкент. 2011. Шарқ.– Б. 13-15.

Имом Шофеъидан кейин Шофеъидан кейин Аҳмад ибн Ҳанбал Расулуллоҳга итоат қилиш, носих ва мансүх борасида китоблар ёзган. Аммо бу асарлар ҳам бизгача етиб келмаган<sup>92</sup>.

Шу тариқа усулул фикҳ фанида ҳам китобларни таъвил қилиш даври бошланди. Аммо шуни айтиш керакки бу китоблар бир ҳил услубда ёзилмаган. Аксинча, дастлабки даврдаги асарлар икки ҳил услубда тадвин қилинган. Уларнинг бири ҳанафийлар йўналиши бўлиб, бу услуб “Фақиҳлар йўналиши” номи машҳур бўлган. Иккинчиси эса “Жумҳурнинг йўналиши” ёки “Мутакаллимлар йўналиши” номи билан танилган. Мутакаллимларнинг асосий мақсади фаннинг қоидаларни белгилашдан иборат бўлган. Юзага келган қоидаларнинг фаръий ҳукмларга мос ёки мос эмаслиги муҳим бўлмаган. Шунингдек зикр қилинган қоидалар остида фаръий масалалардан мисол келтириш ҳам жуда кам бўлган. Мўътазила фирқаси, Шофиъий, Моликийлар ва Ҳанбалийлар шу услубни танлаганлар.

Кейинчалик бу икки услубни мувофиқлаштирган учинчи йўналиш пайдо бўлган. Уни “муҳаққиқлар йўналиши” деб аталган. Бу услуб “Мутакаллимийлар” йўналиши деб номланган.

Мутакаллимлар йўналишига оид қуйидаги машҳур китобларни санаб ўтишимиз мумкин:

Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Жувайний (413х)нинг “Ал-Бурҳон” асари. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий (450-505 х)нинг “ал-Мустасфа” китоби. Абу Ҳусайн Муҳаммад ибн Али(436х.)нинг “ал-Муътамид” китоби.

Иккинчи йўналиш “Ҳанафийлар йўналиши”дир. Бу услубга оид китобларда фаннинг қоидалари мужтаҳид имомлардан ривоят қилинган ҳукмларга мос тарзда баён қилинган. Яъни, мужтаҳидлардан ривоят қилинган фаръий масалаларда риоя қилинган аммо очиқ тарзда баён қилинмаган қоидалар акс эттирилган.

Ҳанафий уламолари бу йўналишда кўплаб асарлар ёзганлар. Ҳатто бу усул “ҳанафий мазҳаби” деган алоҳида номга ҳам эга бўлган. Бу тарзда ёзилган китоблар ўзининг воқеликка мос эканлиги билан ажралиб туради. Чунки у ҳукмларни чиқаришда имомлар ҳисобга олган асосий қоидаларни белигилаб олиш ва уларни тартибга солиб келгусдаги ижтиҳодлар учун асос қилиб олишдан иборат бўлган. Ибн Халдун айтганидек бу йўналиш фаръий масалаларга хизмат қилувчи, қоидаларга асосланган ва бу қоидалар мазҳаб доирасида ижтиҳод қилувчи мужтаҳидларни залолатдан сақловчи қоидалардир. Шунингдек ҳанафийлар йўналиши фикҳ соҳасига мувофиқроқ ва фаръий ҳукмларга мосроқдир.<sup>93</sup>

<sup>92</sup> “Тарийху усулул фикҳ”. Алий Жумъа. Қоҳира. Дарул миқтом, 2015 й. – Б. 32

<sup>93</sup> “Муқаддимуату ибн Халдун”. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Байрут. Сааҳату Риёзус Сулҳ, 2017й. – Б. 455.

Ҳанафий усулида ёзилган китобларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос(370)нинг “Ал-Усул” асари. Абу Зайд Абдуллоҳ бин Умар Дабусий (430)нинг “Тақвиймул адилла” асари.

Кейинроқ усулул фикҳнинг тадвини оид яна бир янги йўналиш пайдо бўлди ва бу услуб юқоридаги икки услубни ўзида бирлаштирган ва иккиси уларнинг афзалликларини ўзида жамлаган эди. Унда қоидалар маълум тартибда баён қилинган. Фақат қоидани ўзини зикр қилиш билан чекланиб қолмасдан уни бошқа фаръий ҳукмлар билан боғлаш ва шу тарзда уқувчи учун қулайлик яратиш назарда тутилган эди.

Бу борада барча мазҳаб олимлари китоблар тасниф қилишган. Мисол учун Музаффариддин Аҳмад ибн Али Саъатий Ҳанафий(649) “Бадиъун низом” китоби. Убайдуллоҳ ибн Масъуд (747) нинг “Танқиҳ” ва унинг шарҳи “Тавзиҳ” асари. Саъдуддин Тафтазоний(792)нинг “Шарҳут тавзиҳ” асари, Муҳибб Аллоҳ бин Абдушукур(1119х) “Мусалламус субут” китобларини айтиш мумкин.

### МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛ

Олимларнинг фанга берган таърифларига тўхталиб шунини айтиш мумкинки, агар таърифдаги “усул” сўзини “далиллар” деб тушуниладиган бўлса унда қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин бўлади:

- Далиллар усулул фикҳ фанининг предметларидан биридир. Фаннинг предмети унинг таърифи бўла олмайди.

- Фанга бу тарзда таъриф бериш уни ҳар жиҳатдан қамраб олмаслиги мумкин. Сабаби, далиллар бу илмни тўлиқ қамраб олмайди. Усулул фикҳ далиллардан ташқари бошқа мавзуларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, ҳукмлар, ижтиҳод ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади.

Иккинчи тоифа олимларнинг таърифта “усул” сўзини қоидалар деб аталган. Бу таъбирга кўра юқоридаги муаммолар юзага келмайди ва бу таъриф фанга мосроқ бўлади. Чунки усулул фикҳ фани маълум қоидаларни ўргатади ва шу қоидалар ҳукмларни истинбот қилишга восита бўлади.

Масалан, усулул фикҳда “амр феъли вожибни ифода қилади, наҳий эса маълум ишни ҳаром эканлигини билдиради”, деган қоида мавжуд. Демак, фақиҳ шарийатда намоз ёки закотнинг ҳукми нима эканлиги уларнинг далили бўлмиш қуйидаги оятдан олади:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكُعُوا مَعَ الرَّكْعَيْنِ

**Намозни тўқис адо этинг, закотни беринг (Бақара сураси, 43-оят)**

Оятда намоз ва закотни адо этиш кераклиги амр феъли воситасида баён қилинган. Қоидага асосан амр феъри вожибни – айтилган ишни амалга ошириш шарт эканлигини билдиради. Мужтаҳид шунга таяниб намозни ўқиш ва закотни адо этиш фарз бўлади, деган қарорга келади. Шунингдек Аллоҳ таоло бошқа бир оятда хамр борасида шундай марҳамат қилган:

**Эй, иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар Шайтон ишидан бўлмиш ифлосликдир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, зафар топсангиз. (Моидда сураси, 90-оят)**

Оятдаги “ундан четда бўлинг” феъли “яқинлашманг” деган маънони ифода қилади. Бу наҳий яъни, қайтариқ феъли бўлиб, қоида бўйича бундай феъллар ҳаромни ифода қилади.

### **Хулоса**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, усулул фиқҳ далиллардан ҳукм олиш борасидаги маълум қоидаларни ўргатадиган фандир. Бу фаннинг предметлари Қуръон, Суннат, Ижмо ва Қиёс каби шаръий далиллар, ҳукмлар ва ижтиҳод ва мужтаҳидга оид шартлардир.

Шунингдек “усулул фиқҳ” бирикмасидаги “усул” сўзини “қоидалар” деб таърифлаш мақсадга мувофиқроқдир.

Бу фан фиқҳ илми каби саҳобийлар ва тобеъийлар даврида ҳам илмий малака сифати мавжуд бўлган. Аммо фан сифатида шаклланмаган эди. Фан сифатида шаклланиши иккинчи ҳижрий асрга тўғри келади. Маълумотларга таяниб бу илмда биринчи бўлиб китоб таълиф қилган бу имом Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдлари деб айтиш мумкин. Аммо улар ёзган китоблар сақланиб қолмаган.

Кўпчилик Имом Шофеъий усулул фиқҳ борасида биринчи бўлиб китоб ёзган деган фикрларни билдиришган. Бу фикрнинг асоси китобни яхлит шаклда сақланиб қолгани бўлган. Бу асарнинг номи “Рисола” деб аталган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Кашфул асрор”. Абул Баракот Насафий. Байрут. Дарул кутуб илмия, 2015 й.
2. “Ат-тахрийр фий усулул фиқҳ”. Камолиддин Ибн Ҳумом. Байрут. Дарул кутуб илмия, 2015 й.
3. “Тарийху усулул фиқҳ”. Алий Жумъа. Қоҳира. Дарул миқтом, 2015 й.
4. “Ал-важйиз фий усулил фиқҳ”. Абдулкарим Зайдон. Байрут. Муассатур рисола, 2006 й. 1ж.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фиқҳ. Тошкент. Шарқ. 2011.
6. “Тарийху усулул фиқҳ”. Алий Жумъа. Қоҳира. Дарул миқтом, 2015 й. – Б. 32
7. “Муқаддимату ибн Холдун”. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Холдун. Байрут. Сааҳату Риёзус Сулҳ, 2017й.
8. Таърифот. Саййид Шариф Журжоний. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1983.
9. “Усулул Паздавий”. Фахру-л-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий. Карачи: Мир Муҳаммад кутубхонаси, 1909.

10. “ал-Фусул фи илмил усул”. Абу Бакр Жассос. Баҳрут: Дорул кутуб ал-илмия, 1996. – Ж I.
11. Абу Зайд ад-Дабусий илмий меросининг Мовароуннаҳр фикҳ илми ривождаги ўрни З. Нажмиддинов – Т.: ЎзХИА нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.
12. Усулул Паздавий асосида ёзилган асарлар. С.Файбуллаев. – Самарқанд: “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. 2021 (махсус сон).